

## Уламолар зиёратчиларга маърифий суҳбатлар ўтказмоқда



18:09 / 29.05.2025 953

Юртимиз уламолари Макка шаҳрида зиёратчилар жойлашган меҳмонхоналарда ҳаж ибодатининг одоблари ва унинг аҳкомлари ҳақида ҳожиларимизга маърифий суҳбатлар қилиб бермоқдалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Зайниддин домла Эшонқулов, Қуръон ва тажвид бўлими мудир шайх Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум ўғли, Фатво маркази директори ўринбосари Ғуломжон домла Холбоев, Андижон вилояти бош имом-хатиби Мирзамақсуд домла Алимов, Тошкент шаҳар вакили ўринбосари Абдуллоҳ домла Йўлдошев, «Абу Ҳанифа» жомеъ масжиди имом-хатиби Муҳаммадамин домла Алихонов, «Эшон Бобоҳон» жомеъ

масжиди имом-хатиби Таваккал домла Кенжаев, Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими Муҳаммадбобур домла Йўлдошев каби уламолар ҳожиларга суҳбатлар қилиб беришмоқда.

Учрашувларда табаррук шаҳарлар қадр-қиммати, бу ерларда зиёрат ва ибодат қилиш улкан саодат экани, бу улуғ масканларда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юрганлари, Ислom тарихидаги муҳим воқеалар содир бўлгани, ҳаж улуғ ибодатлиги, бундай шарафга етказгани учун Аллоҳ таолога шукроналар айтиш, ҳар бир зиёратчи ҳақиқий ҳожилик мақомига етишиш йўлида юксак ихлос, гўзал одоб билан ҳаракат қилиш тавсия этилмоқда.

Шунингдек, маърифий суҳбатлар чоғида, аввало, ниятни тўғри қилиш, доимо Аллоҳ таолонинг зикри билан банд бўлиш, истиффор, дуолар ва Қуръони Каримни тиловатини кўпайтириш, тилни беҳуда сўзлардан тийиш, қўлидан келганича одамларга яхшилик қилиш, қалбни машғул қилувчи нарсалардан ҳоли бўлиш, ўзини камтар тутиш, зебу зийнатга эътибор бермаслик сингари ҳаж одобларига амал қилиш ҳажнинг мабрур бўлишига сабаб бўлиши ҳақида шаръий далил ва ҳаётий мисоллар асосида эслатиб ўтилмоқда.

Суҳбатлар давомида зиёратчилар билан ҳаж ибодатига доир савол-жавоблар ҳам бўлмоқда.